

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

АНВАР БЎРОНОВ

**ТАНГРИЧИЛИК  
МАЪНАВИЯТГА  
ТАҲДИД СИФАТИДА**

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2019

УЎК 13  
КБК 71.0  
Б 99

Бўронов, Анвар.  
Б 99 Тангричилик маънавиятга таҳдид сифатида  
[Матн] / А. Бўронов – Тошкент: «Маънавият»,  
2019. – 40 б.

ISBN 978-9943-04-378-7

Ушбу рисолада тангричилик дини маънавиятимизга таҳдид сифатида кўрсатилиб, диннинг асосий таълимотлари, маросимлари, урф-одатлари чуқур таҳлил қилинган.

УЎК 13  
КБК 71.0

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р:  
*А.К. Қодиров, Республика Маънавият ва  
маърифат маркази раҳбари*

Т а қ р и з ч и:  
*У. Уватов, тарих фанлари доктори, профессор*

ISBN 978-9943-04-378-7

© «Маънавият», 2019



## КИРИШ

Инсоният тарихини ўрганар эканмиз, шу нарсага амин бўламизки, тарихан шаклланган ҳеч бир таълимот, ғоя ёки маданият унсурлари ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетган эмас. Аксинча, кейин пайдо бўлган маданиятлар, ғоялар ва таълимотларда ўз изини қолдириши, аксар ҳолларда эса янги ғоя сифатида қайтадан бўй кўрсатиши мумкин.

Аммо биз кўп ҳолатларда ўзгаришлар даврида яшаётганлигимизни, таҳдидлар ва хавфлар доимо ўзгариб туриши мумкинлигини унутиб қўямиз. Хавфни четдан кутамиз, аммо четдан келаётган хавфларга ичкаридан ҳам қўмак берувчилар борлигини унутамиз. Шунингдек, айрим салбий хусусиятлар урф-одатларимиз, миллий, этник, оилавий қадриятларимизда яширинганини, бу иллатлари хулқ-атворимизда, турмуш тарзимизда намоён бўлишини, айрим ҳолатларда эса бу иллатлар жамият бирлигига раҳна солиши мумкинлигига эътибор бермаймиз. Бу ҳақда мамлакатимиз президенти Шавкат Мирзиёев қуйидагича фикр билдиради: «Биз одатда жамиятимиз ҳаётига қарши қаратилган хавф-хатарлар ҳақида гапирганда, кўпинча четдан кирадиган таҳдидларни тушунамиз. Лекин эски замондан қолган айрим салбий ҳолатлар, афсуски, бугунги тинч ва ёруғ ҳаётимизга соя солиб турибди»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> *Шавкат Мирзиёев*. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. 351-б.

Маълумки, собиқ Совет тузуми парчалангандан кейин, шу ҳудудда яшаб келган этник халқлар ва элатлар динсизлик ботқоғидан чиқиб, миллий тикланиш даври бошланди. Одамлар диний эркинликни ҳис қилиб, ҳали онгу шууридан бутунлай йўқ бўлиб кетмаган ўз динига қайта бошлади. Мусулмонлар исломни, насронийлар, яҳудийлар ҳам ўз динларини тиклашга киришдилар. Аммо диний-мафкуравий бўшлиқ ва диний соҳадаги мутахассисларнинг етишмаслиги сабабли, айрим халқлар ва элатларда асрлар давомида унут бўлиб кетган, жоҳилий диний эътиқодларни тиклаш ғоялари ҳам пайдо бўла бошлади. Дастлаб, ижтимоий жиҳатдан безарардек кўринган бундай ҳаракатлар эътибордан четда тургандай эди. Яъни, бир неча юз ёки минг киши эътиқод қилган кичик диний конфессияларнинг ижтимоий зарари камдай туюлган эди. Аммо глобаллашув жараёнларининг тезлашуви ва Интернет тармоқларининг ривожланиши туфайли бундай асоссиз ғояларни тарғиб қилувчилар сони кескин кўпайиб борди ва, табиийки, ижтимоий хавфи ҳам ортиб борди.

XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб, худди шу йўл билан мўғул ва туркий халқларнинг қадимги анъанавий эътиқоди ҳисобланган тангричилик ҳам қайта тиклана бошлади. Дастлаб, мўғул, қалмиқ, олтой, ёқут, тува ва хакас каби кам сонли халқлар томонидан қайта тиклана бошланган тангричилик, тез орада кенг жамоатчилик эътиборини тортиб, бутун Марказий Осиё халқлари орасида ёйила бошлади. Орадан бир муддат ўтиб эса, расман исломни қабул қилган халқлар орасида ҳам тангричиликни ёқловчилар кўпайиб қолди. Жумладан, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикаларида тангричиларнинг афкор жамоалари пайдо бўлиб, расмий матбуот, оммавий ахборот сайтлари орқали тангричилик динини очик тарғиб қилишга ўтдилар. Маса-

ланинг муҳим жиҳати шундаки, ушбу динга хайрихоҳ бўлганларнинг аксарияти халқ ичида обрў қозонган зиёлилардан иборат бўлиб, уларнинг орасида академиклар, фан докторлари, шоирлар, ёзувчилар ва таниқли жамоат арбобларининг борлигидир. Шу сабабли, Қозоғистонда тангричиларнинг ташвиқотлари кенг тус олиб, халқни ошкора ислом динидан чиқишга ва «миллий дин»га ўтишга чақира бошлаган бўлса, Қирғизистон тангричилари ҳукуматдан тангричиликнинг расмий дин сифатида тан олинишини талаб қила бошладилар.

Кейинги йилларда эса Ўзбекистонда ҳам тангричиликни қабул қилган ва ёйишга ҳаракат қилаётган кишилар пайдо бўла бошлади. Айниқса, ижтимоий тармоқларда, хусусан, Фейсбук, Телеграм, Инстаграм, Одноклассники тармоқларида тангричилик тарғиботи кучайиб, кенг жамоатчилик орасида турли баҳслар ва мунозараларга, аҳоли ўртасида кескин норозиликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

## 1. ТАНГРИЧИЛИК ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Тангричилик қадимий туркий ва мўғул халқлари дини ҳисобланади. Бу динга қадимги Шумер давлатида (мил. авв. III минг йиллик) ҳам эътиқод қилингани манбаларда ёзиб қолдирилган. Тил ва этник жараёнлар тараққиётининг ностратик (борей) концепциясига<sup>1</sup> асосланган тадқиқотчилар фикрича, 5–6 минг йиллар муқаддам қадимги Шумердан Олтойгача бўлган улкан ҳудудда протоолтой қабилалари яшаган. Шумерлар қадимги турк тилига яқин бўлган протоолтой тили лаҳжасида сўзлашганлар. Шу даврда тангричилик про-

---

<sup>1</sup> *Борей* (юнон: *Boreas*) назарияси. Юнон мифологиясида: шимол илоҳаси ёки шимолдан эсувчи шамол. Борей назариясига кўра, инсоният ер юзига шимолдан тарқалган дейилади.

тоолтой халқлари<sup>1</sup>нинг энг қадимий дини, инсоният тарихидаги илк монотеистик динлардан бири сифатида шаклланган.

Милоддан аввалги 2000-йилликда Месопотамияга қадимги сомий, ҳозирги Эрон, Афғонистон ва Турон текислиги ҳудудларига орий қабилалари кириб келиши натижасида протоолтойларнинг катта қисми Олтой, Саён тоғлари, ҳозирги Шимолий Хитой, Монголия ва Сибирь томонга кетишга мажбур бўлишган ва бу ерда олтой халқлари сифатида шаклланган.<sup>2</sup>

Қайд этилган маълумотларга кўра, «тангри» номи ҳамма туркий халқлар лексиконидан муқим жой олган ва ҳамон айнан «илоҳ» маъносида қўлланилмоқда: «Тангри» атамаси кўпгина Осиё халқларининг энг қадимги мифологик фондига киради. Тангри қадимги шумер тилида тенгри, тенгир, денгри; олтойчада тангн-гир; озарбайжонча денгри, денгир; хакасча тигир, тер; тувача дээр; чувашча тура; ёкутча тангара; монголча тэнгэр; бурятча тэнгэри, тэнгри; қалмиқча тэнгер; японча тэнри шаклида талаффуз қилинади. У қадимий хунн тилида ҳам мавжуд бўлган. Тадқиқотчилар Тангрини кенгроқ талқинда шумерча «тенгир – коинот», «денгиз» билан боғлайдилар. Тангри ҳақидаги тасаввур осмон руҳи эгаси ҳақидаги анимистик диний эътиқодлар асосида шаклланган бўлиб, унда осмон ҳам бевосита ўзининг кўринишида, ҳам Тангри яшайдиган фазо сифатида тасаввур этилган.<sup>3</sup>

Бугунги кунда тангричилик дини монотеистик<sup>4</sup> дин сифатида талқин қилинаётган бўлса-да, моҳиятига

<sup>1</sup> *Протоолтой халқлари* – келиб чиқиши Олтой географик худуди билан боғлиқ халқлар.

<sup>2</sup> Маълумот Ўзбекистон миллий энциклопедиясидан олинди.

<sup>3</sup> Маълумот Ўзбекистон миллий энциклопедиясидан олинди.

<sup>4</sup> *Монотеизм* (юнон. *μονος* «ягона» + *θεος* «худо») – якка-худодликни англатувчи атама.

кўра, бу дин политеистик<sup>1</sup> характерга эга. Тангричилар амалда тангрини осмонда яшайдиган якка худо сифатида тасаввур қилишади. Аммо, шу билан бирга, осмон ва ер оралиғида яшовчи «Улкан» номли ва ер остида яшовчи «Ерлик» номли илоҳларга ҳам эътиқод қилишади. Тангричилик политеизмининг яна бир муҳим хусусияти шуки, улар эътиқод қилган худоларнинг оиласи ва фарзандлари ҳам борлиги таъкидланади. Жумладан, Улканнинг тўққиз қизи бор. У осмонда шу қизлари билан бирга яшайди. Қизлари керакли пайтда ерга тушиб, одамларга ёрдам беради. Худо Ерлик эса Улканнинг укаси бўлиб, иккаласи тортишиб қолгач, уни ер остига бадарға қилган. Ерлик ерости салтанатининг ҳукмдори бўлиб, алвасти, жин ва ёвуз руҳлар унга хизмат қилади. Улар ер юзига тунлари чикиб, ўз ишларини бажарадилар. Ерликнинг ҳам ўғил-қизлари бор. Улар булоқлар ва ариқ бўйларида, ғорларда, овлоқ жойларда юришади, деб эътиқод қилишади. Шу сабабли олимлар тангричиликни паганизм<sup>2</sup> сифатида баҳолаб «турк паганизми» дея номлашмоқда.

Туркий халқлар тарихига, айниқса, шу тарихнинг мафкуравий жиҳатларига эътибор билан қарасак, энг чуқур из қолдирган мафкура тангричилик дини мафкураси эканини кўраимиз. Бугунги кунда ЕврооСИё материги бўйлаб энг катта географик ҳудудларни эгаллаган туркий халқлар турли хил динларни қабул қилган бўлса-да, деярли ҳаммасининг онгу шуурида энг қадимги анъанавий дини – тангричилик элементлари сақланиб қолган.

---

<sup>1</sup> *Политеизм* (юнон: *θεοχία*; ос – «кўп» ва «худо») – кўп-худоликни англатувчи атама.

<sup>2</sup> *Паганизм* (лот. *Paganī* – жоҳиллик) – мазмунан бутпарастликка асосланган барча турдаги эски динлар ва турмуш тарзини англатувчи атама.

Маълумки, аксарият туркий тилда сўзлашувчи халқлар ислом динини қабул қилган. Улардан айримлари, хусусан, *гагаузлар* насронийлик динини қабул қилишган. Шунингдек, туркийлар орасида *қараим* ва *қримчақ* каби яҳудийлик эътиқодида бўлган халқлар ҳам бор. Аммо минг афсуски, туркийлар қайси динни қабул қилмасин, уларнинг онгида ва тафаккурида жоҳилият дини – тангричилик элементлари сақланиб қолган.

Туркий халқлар орасида ҳамон самовий динлар билан бир қаторда қадимги тангричилик динини сақлаб, эътиқод қилиб келаётган халқлар, элатлар ҳам талайгина. Жумладан, *олтойлар*, *тувалар*, *хакаслар* ва *ёқутлар* орасида аҳолининг аксарияти, номигагина насронийликни қабул қилган бўлиб, амалда тангричилик динига эътиқод қилишади. Шу сабабли тангричилик динини тиклашни айнан улар бошлаб беришди.

Аммо исломни қабул қилган туркий халқларда, жумладан, ўзбеклар ҳақида ҳам «ўзбеклар соф ислом динида, уларда тангричилик дини элементлари йўқ», деб айтиш қийин. Ўзбеклар аксиологиясида<sup>1</sup> ҳам ислом ақидалари билан бирга тангричилик элементлари алоҳида ва параллел ҳолда яшаб келади. Чунки халқимиз исломни қабул қилиш жараёнида тангричилик урф-одатларидан бутунлай воз кечмаган. Натижада, аниқ ақидавий билимга эга бўлмаган аҳоли ўртасида ислом ва тангричилик синкретизми<sup>2</sup> шаклланишига олиб келди. Гувоҳи бўлганимиздек, вақтида воз кечилмаган жоҳилият эътиқодлари сабаб, орадан неча

---

<sup>1</sup> *Аксиология* – қадриятшунослик фани.

<sup>2</sup> *Синкретизм* (грекчадан *synkretismos* – бирикиш, бирлашиш) табиат ва жамиятда бирлашиб кетиш, ажратиб бўлмаслик каби мазмунда қўлланилади. Масалан, табиатда турли хил элементларнинг ноорганик бирикиб кетиши, жамиятда эса фикр, ғоя, диний қараш ва эътиқодларнинг бирикиб кетиши тушунилади.




юз йиллар ўтса-да, жамиятимизда муаммоли ҳолатлар юзага келмоқда ва эски дин тикланмоқда.

Муаммога эклектик<sup>1</sup> жиҳатдан ёндашиб, таҳлил қилинса, вазият анча ойдинлашади. Бунинг учун, авваламбор, миллий кадриятлар келиб чиқишига кўра, қайси маданиятга тегишлилиги аниқлаб олиниб, улар орасидан аниқ соф эътиқод ажратиб олиниши лозим бўлади.

Миллий кадриятлардан айнан қайси элементлар тангричилик динига тегишли эканини аниқлаш учун эса, ушбу диннинг тарихи, асосий таълимоти, тимсоллари, ибодат шакллари ва бошқа маросимлари холис ўрганилади. Сўнг ислом дини арконлари, таълимотлари ҳамда ақидавий жиҳатлари билан қиёслаб таҳлил қилинади. Шунинг учун ҳам масалага тўғри ёндашган ҳолда, дин сифатида унутилиб кетган тангричилик динининг тарихи, ўзига хос жиҳатлари, ҳозиргача сақланган элементлари ва уларнинг сақланиш сабабларини ўрганиб чиқсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

### Тангричилик тимсоллари

Тангричилик дини космологиясида дунё уч қисмга бўлинади: Осмон, Ерүсти ва Ерости дунёси. Ҳозирги кунда учта дунё тимсоли бўлган – тепа қисмида ромб



тасвирланган хоч тангричилик тимсоли сифатидан қабул қилинган. Бунда ромб бутун дунёни кўриб турувчи Тангри тимсоли бўлса, горизонтал чизиқлар осмон чегаралари ҳисобланади. Бу тимсол насронийликни қабул қилган туркийларда насронийлик тимсоли ва тангричиликни уйғунлаштириш мақ-

<sup>1</sup> *Эклектизм* (юнон. *εκλεκτός* – танлайман) – турли хил фикр, гоя, назария ва қарашларни мантиқий таҳлиллар ёрдамида бир тизимга келтиришга қаратилган йўналиш ҳисобланади.




садида кўлланилган бўлиши мумкин. Аммо худди шу тасвир тангричиликда пайғамбарлар ўрнини босувчи шомонларнинг дафларида ҳам ўз аксини топган. Унга кўра қуёш, ой ва юлдузлар – осмон салтанати, одамлар, ҳайвонлар ва қушлар – ер салтанати, ўликлар эса – ерости салтанати вакиллари ҳисобланишган.



Тангричилар ёмғир сўраб Улканга, ўт-ўлан ундиришини сўраб Ерликка мурожаат қилишган. Тангричилар эътиқотида шу сабабли илоҳлардан кўркиш хисси кучли бўлиб, агар Улканга ва Ерликка эътиқод сусайса, турли тўфонлар ва табиат ҳодисалари рўй беришига ишонишган. Момақалдироқ ва яшинни – Улканнинг, ер ёрилиши, zilzilалар, кўчкиларни – Ерликнинг қаҳри келганидан, деб билишган.

Кейинги йилларда тангричилик динини қайта тиклашга уринаётганлар томонидан туркий ва мўғул халқларининг қадимий бошпанаси саналган қапа (юрт)ларнинг чангароғи (қипч: чангнгароқ) ва қадимги туркий битиклардаги «тангри»  $\uparrow \Upsilon \downarrow \downarrow$  ёзуви ҳам тимсол сифатида кўрсатилмоқда.



Шунингдек, Тяньшан тоғ тизмаларидаги Тангри тоғ чўққиси ҳамда Чингизхон аждодлари кўмилган Бурхон-Холдун тепаликлари тасвири ҳам тангричиларнинг муқаддас қадамжолари ўлароқ тимсол сифатида таништирилмоқда.

## Шомонийлик

Диншунослик фанида шомонийликка алоҳида дин сифатида қаралади. Бироқ кўпгина туркий халқларда шомонийлик тангричилик динининг таркибий қисми сифатида кўринади. Шомонлар тангричилик динида илоҳий дунё ва илоҳий кучлар билан одамлар ўртасида воситачи ҳисобланади. Шунингдек, улар табиат ҳодисаларини башорат қилувчи, табиб, рухлар билан одамлар орасида воситачи, анъанавий маросимлар ташкилотчиси каби вазифаларни ўтаб келишган.



*Шомоннинг худо Улкан билан мулоқоти ва маросим анжумлари*

Шомонларнинг афсоналарига кўра, биринчи доира (даф)ни уларга Ерлик тортиқ қилган ва шомоний амалларни ўргатган. Шомонлар – худолар ва одамлар ўртасида воситачилардир. Улар Ерлик билан боғланиш учун ўтовларни танлашган, қапа ичида даф уриб рухларни чақирган ва одамларнинг хожатини чиқарган. Улкан билан эса осмон очиқ жойларда, асосан, қайинзор ўрмонларда алоқа боғлашган. Улар осмонга қараб даф уриб, кўнғироқларини шақиллатиб, Улканга тобе рухларни чақирган ва унинг талаби билан қурбонликлар қилган.

Баъзи шомонларнинг «Келағай» номли ёрдамчиси ҳам бўларкан. Келағай чапақай ва дудук бўлиб олтинчи осмондан ерга одамларнинг тақдирини билиб тушар экан ва шомонга етказар экан. Шомон ҳам, ўз навбатида, одамлар илтимосини худоларга Келағай орқали етказар экан.

Шомонлар тангричилик динининг амалдаги руҳонийлари ҳисобланади. Улардан одамлар ўзлари билолмаган нарсаларни билишга интилишади. Ҳатто улар шомонларни об-ҳаво, зилзила ва бошқа офатларни башорат қила олишади, фарзандсизларга Улқандан сўраб, фарзанд олиб беришга ҳам қурби етади, деган фикрда бўлишади. Аммо шомонларнинг ўзларига илоҳий ёки ғайриоддий инсонлардек қарашмаган, аксинча, уларнинг ўзларидек одам эканига фақат уларда жинларни кўра олиш ва мулоқот қилиш қобилияти борлигига ишонишади, холос. Баъзида шомонларнинг башоратлари тўғри келмай қолса ёки ўлмайди, деган касали ўлиб қолса, шомонларни калтаклаш ҳолатлари ҳам кузатилган.

Шу билан бирга, шомонларнинг ўзига хос шакланган ҳимояси ва дахлсизлиги ҳам мавжуд. Одамлар шомонни урган қўл қуриб қолишига, шомонни оғринтирган албатта бирон балога йўлиқишига, шомоннинг руҳлар билан гаплашиш сеансларини билишга ҳаракат қилганларнинг ақлдан озишига қаттиқ ишонишган.

Шомонларнинг оиласи, фарзандлари ҳам эътиборда бўлади. Оддий одам уларнинг қизларига уйлана олмаган. Аммо шомонларнинг ўғиллари хоҳласалар оддий одамларнинг қизларига уйланганлар. Шомонлар қабилалардаги одамларнинг руҳий ҳолатини яхши билишган, шу сабабли руҳий касалларни даволаш ҳам



*Эркак ва аёл шомон*

уларнинг зиммасида бўлган. Улар одамларни ўлгандан кейин руҳлари нариги дунёга кузатиб қўйилиши, акс ҳолда, руҳлар жинлар ва жодугарларнинг қўлига тушиб қолиши мумкинлигига ишонтиришган. Шу сабабли ўлаётган одамларнинг бошларида маълум ҳақ эвазига туриб беришган. Ҳатто айрим ҳолатларда танани ташлаб кетаётган руҳларни танага қайтаришларига ҳам ишонишган.

Шомонлик фаолияти билан эркаклар ҳам, аёллар ҳам бирдай шуғулланишган. Бироқ эркак шомонларнинг мавқеи баландроқ саналган. Аёллар кизлик даврида ва болалари ёш бўлган пайтлар шомонлик билан шуғулланишмаган. Фақат фарзандлари улғайиб вояга етиши арафасида шу фаолиятларини бошлашган.

Шомонлик ҳам аслида қобилият саналиб, насл сурган ва аждодларида шундай қобилият бўлган кишиларга берилган. Кимга тангридан шомонлик белгиси келса, у ғайриоддий касалга чалинган. Бир қанча вақт тентакка ўхшаб ғайриоддий қилиқлар қилиш, узоқ вақт кўчаларда тентираб юриш, кимлар биландир хуфя мулоқот қилиш ва жазавага тушиш каби ҳолатлар шомонлик «белги»си ҳисобланган. Агар қайсидир аёлда шундай ҳолат бўлса, оила аъзолари томонидан тажрибалироқ шомонларга олиб борилган ва уни йўлга солишга ҳаракат қилинган.

Шомонларнинг одамларни ўз қобилиятига ишонтириш усули экстаз, яъни жазавага тушиб, баъзан эса қотиб қолиб, ҳар хил хатти-ҳаракатлар билан шайтонлагандай қилиқлар қилиш техникасини бажара олишида бўлган. Улар қотиб қолган пайтимизда руҳимиз бизни ташлаб кетади, Осмон ва Ер ораси кезиб хабарларни тўплаб келади, қайтгач эса танага кираркан жазава қўзғотади, деб ишонтиришган. Шомонлар руҳларни чакириш учун ноғора, даф, чанқовуз ва бошқа чолғу

асбобларидан, инсон танасидаги рухлар билан сўзлашиш ёки ёвуз рухларни танадан қувиб чиқариш учун от ёлидан тўқилган қамчи ёки турли хил қичитки ўтлардан фойдаланишган. Айрим ҳолатларда шомонлар ўз таналарини ташлаб, бошқа ҳайвон ёки одам танасига ўтиши мумкинлигига ҳам одамларни ишонтиришган.

Шомонлар кўпинча одамларга касал қариндошлари жонини сақлаш учун маълум жой эгалари бўлган ёки касал одамга соғлигида бирор зиён берган рухга атаб қурбонлик қилса, тузалишини билдирган. Бу ҳолатда касалнинг оғир ёки енгиллигига қараб товукдан то йилкигача қурбонлик қилинган. Қурбонликлар касалнинг уйида одамларга тарқатилган ёки қурбонликка аталган жониворни шомон ўзи билан олиб кетган.

Кўп ҳолатларда шомонлар касалларни «кокириқ-сукириқ» қилиш (илмий тилда камланье), яъни касалларнинг овқатларига туфлаш ёки уларнинг тўғридан-тўғри юзларига туфлаш орқали даволашган. Улар бундай ҳаракатлар билан танадан кетмоқчи бўлган рухларини жойига туширишган ёки танага кириб олган ёвуз рухларни қувиб чиқаришган.

### **Тангричиликда ибодат шакллари**

Тангричилар назарида, Тангри осмонда туриб ҳамани кўриб турувчи, ризқ берувчи, дуоларни қабул қилувчи «мавжудот» сифатида тушунилади. Шу сабаб тангричилар худосини кўкдан боқиб турувчи улкан кўзга ўхшатишади. Тангричилик динида мақсадли қурилган ибодатхоналар, аниқ ибодат вақти ва намоз тушунчаси йўқ. Шу сабабли улар бирор ҳожатларини сўрашни хоҳлашса, дарров осмонга қараб қўлларини ёйган ҳолда Тангрига мурожаат қилишади. Бу ўзига хос ибодат шакли бўлиб, тангричилар бунинг учун энг хилват жойларга, тепаликларга кетиб, Тангрига ёлғиз



муурожаат қилишган. Агар ибодатда Тангридан муҳимроқ нарсалар сўраш лозим бўлса, бир неча кун ёлғиз қолиб, ибодат қилинган. Одамлар Тангрини осмонда, деб билганликлари туфайли ибодат учун имкон қадар баландроқ жойларни ёки кенг майдонларни танлашган.

Шунингдек, тангричилик динидада аскетизм элементлари ҳам кенг ўрин тутади. Одамлар каттароқ ҳожатларини сўраш учун ойлаб, баъзан эса йиллаб «чилла» ўтиришган. Жумладан, Чингизхон ҳам жанглардан олдин ойлаб ибодатда бўлишини кўплаб тарихчилар қайд этган.

Яна бир ибодат шакли ота-боболар ва таниқли шахсларнинг қабрларига, дарахтларга ялов бойлаш, қабрларни уч марта айланиш ёки тавоф қилиш ҳисобланади. Ялов кўтаришда асосан тахминан 40x5см ўлчамдаги мато кесиб олинади ва унинг чет қисми олиб ташланади. Матолар рангига қараб алоҳида мазмун касб этади. Оқ мато шу ер эгаси – руҳига, кўк мато осмонга, яшил мато табиатга, сариқ мато қуёшга атаб тақилади. Қора мато эса ёмон ният қилинганда ёвуз кучларга атаб тақилади ва бу ишни одамлар кўрмайдиган овлоқ жойларда бажаришади.



*Қабрлар ва дарахтларга ялов бойлаш*

Тангричиларда жамоавий ибодатлар ҳам кенг ёйилган бўлиб, бу ибодат шартлари ва қоидаларининг кейинги авлодга сингдирилишида кенг аҳамият касб этган. Жамоавий ибодатларда улар айлана бўлиб, бир-бирлари билан қўллари орқали боғланишади ва Тангридан тилак тилашади. Бу ибодат уларнинг Тангрини улкан кўз сифатида тасаввур қилиши, тангри доим бизни кўриб туради, деган эътиқоди билан боғлиқ бўлиб, айлана шаклда ибодат қилиш тангрига яхшироқ кўриниш, унинг эътиборини тортиш мақсадида бажарилади.



*Жамовий ибодатлар*

Тангричилик ибодатларининг яна бир кўриниши, илоҳларга ва руҳларга атаб қурбонликлар қилиш билан боғлиқ. Бундай қурбонликлар қадимдан овлоқ жойларда, дарё соҳилларида ўтказилган. Қурбонликдан сўнг шомонлар даф уриб руҳларни чақирган, ўчоққа қошиқда қурбонлик ёғидан сепиб «ис» чиқаришган. Руҳлар учун ис чиқариш ҳам тангричиликда улкан ибодат ҳисобланади. Тангричиларнинг энг кўп тарқалган дуоси турли тилларда турли хил шаклда бўлса-да, «Бизни арвоҳлар қўлласин», «бизни ота-боболаримизнинг руҳи қўлласин», деган мазмунда бўлади. Чунки тангричилар ҳар доим ота-боболарининг руҳи атрофда кезиб юришига қатъий ишонишади.

### **Дафн маросимлари**

Тангричилик динида дафн маросимлари ва марҳумни хотирлаш билан боғлиқ урф-одатлари ўзига хос



тарзда шаклланган бўлиб, уларда «дафн маросимлари» деган тушунча остида ўлик ва унинг руҳи хурмати учун бажариладиган барча диний одатлар тушуниладика, барча динларда бўлгани каби, тангричилар ҳам бу эътиқодларини жуда қаттиқ эъозлашади.

Тангричилар дафн маросимларининг алоҳида эътиборга молик томони, уларнинг ўлик ўлгандан сўнг нариги дунёда ҳаётини давом эттиради ва бу ҳаётда нимани бажарган бўлса, у ёқда ҳам шу иш билан машғул бўлади, деган тушунчалари билан боғлиқ. Шу сабабли марҳумни хурмат билан кузатиш керак, аксинча, ўлик беҳурмат бўлади ва у албатта сенга зиён етказди, деган тушунча, қўрқув ҳисси маросим иштирокчилари онгини қамраб олади.

Тангричилар эътиқодида жаннат ёки дўзах, тақдир, қиёмат, ўлимдан кейин қайта тирилиш тушунчалари йўқ. Улар учта (ерости, ерусти ва самовий) оламни тан олишади. Уларнинг тасавурида нима бўлса ҳам, ерости дунёсига, яъни худо Ерлик ихтиёрига тушиб қолмаслик керак. Инчунин, тангричилар тасавурида инсон руҳи бутунлай ўлмайди ва мангу (монку болгон тын) ҳисобланади. Инсон танаси ўлгач, унинг руҳи «кўринмас» (кормос)га айланади ва ҳеч ким уни кўра олмайди. У эса ҳаммани кўради, эшитади ва сезади. Арвоҳлар макон ва замонда эркин бўлишади. Девор ва бошқа тўсиқлардан бемалол монеликсиз ўтиш имкониятига эга бўлишади.

Шомонларнинг таъкидлашича, шомонларнинг руҳи тоза рух (ару неме)га, оддий одамларнинг руҳи эса ёмон кўринмас (јаман кормос)га айланар экан.

Айтишларича, ўлган одамнинг исми айтилса, у дарров шу ерга етиб келар экан ва суҳбатга қулоқ тутар экан. Шу сабабдан тангричилар ўликнинг отини айтишмайди. Фарзандларига ҳам бобо, момоларининг исмини кўйишмайди.



Тангричилар ўликдан жуда кўрқишади. Чунки одам ўлгач кўринмасга айланади ва Ерликнинг айтганини қилишга мажбур бўлади. Баъзилари ёвуз рухга айланиб, Ерликка элчи ёки бошқаларнинг руҳини алдаб олиб кетувчи (алдачы)га айланиши мумкин экан.

Кўпчилик одамлар гуноҳлари туфайли осмонга кўтарилишларига унчалик ишониша олмайди ва ҳар қалай ер устида бўлишга ҳаракат қилишади. Шу сабабдан тириклик давриданок Ерликка қурбонлик қилишни бошлашади. Ўлганидан кейин қурбонлик қилиш, ис чиқариш фарзандлар зиммасига тушади.

Тангричилар исломлашган туркий халқлардан фаркли ўлароқ, ис чиқариш деганда оддий зиёфат ёки эҳсонни тушунишмайди. Уларда аниқ ўчоққа ёғ сепиб, ис чиқариш маросими тушунилади.

Ис чиқариш учун жонлик сўйилиши ёки гўшти таомлар тайёрланиши, ҳеч бўлмаганда ёғли таомлар, кулча ва чалпак тайёрланиши шарт ҳисобланади.

Қадимдан ўликка атаб ис чиқариш у вафот этган кундан бошланган. Дафн учун йиғилганларга уйда ва қабр бошида ҳам дастурхон тузатилиб зиёфатлар берилган. Тангричилик динида маййитни уч кун сақлаб, кейин кўмиш одати ҳозиргача мавжуд. Бу муддатда улар маййит учун қабр қазиш, тобут яшаш, керакли анжомларни тайёрлашга улгуришган бўлса, узоқдаги қариндошлари, яқинлари ва дўстлари ўлик билан видолашиб олишган. Шомонлар Ерликдан уни қабрида қийнамаслигини сўраб «халос-халос» маросимини ўтказиб, ўликни у дунёга тайёрлашган.

Ўликни уч кун сақлаб кўмишнинг энг асосий сабабларидан бири унинг руҳи билан боғлиқ бўлиб,

унга кўра, ўлган киши биринчи куни ўзининг ўлганига ишона олмас ва танасига қайта киришга ҳаракат қилар экан. Шомоннинг халос-халос маросимидан кейингина у тақдирга тан бериб, танасини тинч қўяр экан.

Шундан сўнг, танаси қабрга қўйилгач, еттисигача қабри билан уйи ўртасида сарсон юрар экан. Еттинчи куни унга атаб ис чиқарилаётганини кўргач, қариндошларидан рози бўлиб, уйни тарк этар экан. Аксинча бўлса, қариндошларини тарк этмас ва уларга тегишиб, зиён етказиши мумкин экан.

Тангричилар ўликни ерга қабр қазиб анъанавий тарзда дафн қилишади. Шунингдек, ўлик билан бирга бир неча кунга етадиган озиқ-овқатлар, от уловлари, унинг идиш-товоқлари, қуроллари, аёлларга эса тикув, тўқув дастгоҳлари ва ашёларини қўшиб кўмиш одати ҳам машхур.



*Бугунгача тангричилик динини сақлаб келаётганлар – олтойликлар қабрлари*

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тарихда тангричилар яна бир неча хил дафн усулларидан фойдаланишган. Яъни, ўликни ерга кўмиш билан бирга ёқиш, чўктириш ва овлоқ жойларда қолдириб кетиш каби дафн усуллари ҳам амалиётда қўлланилган.

Юқорида келтирилганидек, тангричилар, одамлар тўлиқ гуноҳлари ювилгандан кейин осмонга – Улкан қошига кетади, ёмонлар ер тагида – Ерлик ихтиёрида абадий қолади, деган эътиқодда бўлишган ва қариндошлар майитнинг Ерлик ихтиёрида қолишини



истамаганликлари учун ер юзасига кўйиб, устидан тупроқ тортиб, дафн қилишган.

Тангричилар қабристонларида баъзан тўрт томонига козиқ қоқиб, ип тортилган қабрлар учрайди. Қабрларни бундай боғлаш қабр эгаси вафот этгандан сўнг унинг турмуш ўртоғи, фарзандлари, қариндошлари ёки дўстларидан биронтаси касалга чалинса, амалга оширилган. Бу тангричиларнинг «тортор», яъни тортар, деб номланувчи ақидаси билан боғлиқ бўлиб, унга кўра, одам ўлгач, у дунёда зерикса, кимнидир ўзи билан (нариги дунёга) тортар экан. Бундай тортиш етган одам касалга чалинар экан. Шомонлар бундай касалга йўлиққан одамларни даволашда ўлган қариндоши уни чақираётгани, шу сабабли у тўшакка ётиб қолганини уқтириб, агар ўлган қариндошининг қабри боғланса, ёки қабр ёнига ит боғлаб қўйилса, тирик қолишига ишонтиришган. Айтишларича, ит кўриқлаётган қабрларда маййит тинч ётар экан.

### **Мархумни хотирлаш маросимлари**

Тангричиларда мархумлар номига ҳурмат ва иззат кўрсатиш ўзига хос ахлоқий меъёр саналади. Уларни хотирлаш ва номларини абадийлаштириш энг улуғ ишлардан ҳисобланади.

Тангричилар руҳнинг илоҳийлиги ва абадийлигини эътироф этган ҳолда ўликларнинг руҳларидан жуда кўрқишади. Шу сабабли уларнинг номига ис чиқариб,

маъракаларини ўтказишни афзал билишади. Қадимдан «агар ис чиқармасанг, албатта марҳумнинг руҳи сенга шикаст етказди», деган эътиқод ва кўркув бу ишларни амалга оширишларида энг асосий омил бўлган.

Тангричиларда маърака маросимлари инсон ўлган кундан бошланган. Марҳумнинг жони узилгач шу ерда йиғилган қариндошлар йиғи-сиғи бошланган. Шу ондан ўликни ювиш ва қабрга тайёрлаш бошланган. Ўликнинг бошига шам ёқилиб, пиёлада сув қўйилган. Пиёла устига қайин дарахти шохи, атрофига эса қора арча (можжевельник) шохларидан қўйилган. Шомон чақирилиб, ўликка «халос-халос» маросими ўтказилган. Аёллар унсиз овозда марсия<sup>1</sup> бошланган. Эркаклар узок-яқиндаги қариндошларини чақиришган. Шу тарика маййит уч кун уйда сақланган. Уч кун давомида маййитга унинг ўлганига ишонч ҳосил қилиш учун шароит яратишган ва бошига чироқ ёқиб, йиғлаб ўтиришган. Бу кунларда янги ишлар бошланмаган, янги жойга кўчилмаган. Ўлик чиққан уйга ҳамма яхши муносабатда бўлган. Қўлдан келганча моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилишган. Учинчи куни маййитни қабрга қўйишган. Қабр бошига эркак ва аёллардан иборат ўликнинг танишлари йиғилиб, унинг номидан жонлик сўйиб, қурбонлик қилишган. Шу ерда таъзиячиларга таомлар тортилган. Маъракага атаб уй эгалари энг тансиқ таомлар тайёрлашган. Дастурхонга ароқ, гўштли таомлар, ёғли патирлар ва чалпак тортилган.

Ўликни эслаб ис чиқариш маросимлари анъанавий тарзда *еттинчи*, *қирқинчи* кунларида ва ўлган кунига *бир йил* тўлгач ўтказилган. Ўликнинг қариндошлари бу кунларда таъзия учун келганларни меҳмон қилишган.

---

<sup>1</sup> Тангричилик динида марсия *жўқтов* (*йўқлов*) деб аталади.

Маъракаларга энг тансиқ таомлар тортилган. Шомонлар иззатда бўлишган.

Тангричиликда *етти*, *қирқ*, *йил* маросимлари ўзига хос эътиқод саналади. Уларнинг эътиқодича, май-йит то еттинчи кунигача ўз уйи ва қабри орасида бориб-келиб турар ва тириклигида бирга бўлган танишбилишларини кузатар экан. Таъзиясига келган ё келмагани билан қизиқаркан. Еттинчи куни яқинлари унга атаб ис чиқаргач рози бўлиб, дунё кезиш учун кетар экан. Фақат қирқинчи куни яна соғиниб келиб, уйдан хабар олар, фарзандларининг ундан кейинги ҳолати билан қизиқар ва ис чиқарилса, танишлари таъзияга келиб турса, хурсанд бўлиб, қайтиб кетаркан. Учинчи кетишида марҳумнинг руҳи дунё бўйлаб саёҳат қилар ва бир йилдан сўнг уйига келиб, яқинларининг аҳволдан хабар олар экан. Яқинлари тўқ, фаровон яшаётган бўлса, бутунлай умид узиб кетар экан.

Тангричилик эътиқодида, юқорида таъкидланганидек, жаннат, дўзах ёки аросат тушунчалари йўқ. Фақат «нариги дунё» тушунчаси бўлиб, унга кўра, ерости маъбуди – Ерликка эътиқод шаклланган. Тангричиларда шу сабаб Ерликка атаб қурбонлик қилиш одати сақланган.

Маърака (*еттинчи*, *қирқинчи* ва *йил*) кунлари шомон ўликнинг у дунёдаги аҳволи, у ёқда қандай жойлашгани, турмуши хақида яқинларига билиб берган. Албатта, шомонлар буни маълум ҳақ эвазига бажаришган. Чунки бу осон иш бўлмай, аҳволни билиш учун шомон ўликлар дунёсига кириши керак бўлган.

Юқорида айтилганидек, тангричилар руҳни «кут» деб аташган. Кут инсоннинг доимий йўлдоши бўлиб, тангрининг энг олий неъматини ҳисобланган. Тангричилар эътиқодича, инсон қути доимо бир хил шаклда бўлмай, макон ва замонда шаклан ва мазмунан ўзгариб турган.

Қут инсонга она қорнида ҳомила пайтида берилган ва бу пайтда «сус» деб аталган. Туғилгач эса чақалоклик даврида «кэм» деб ном олган. Гапириб, фикрлай бошлагач «қут»га айланган.

Тангричилар рухдан жонни фарқлайдилар. Улар жонни «тын» деб атайдилар. «Тын» одамлардан ташқари ҳайвонлар, қушлар, ўт-ўланлар ва дов-дарахтларда ҳам бўлади. Шу сабабли улар одам ўлганда жон чиққач «тин чықты» ёки «тынчыды» дейишади.

Булардан ташқари, тангричиларда инсон ва ҳайвонларнинг образи, қиёфаси маъносида тушунилган «сури» тушунчаси ҳам бўлган. Сури одамга чиройли қиёфа беради. У тангричиларда кўпроқ «турк» ёки «аура» маъносида тушунилган ва агар сури бўлмаса, одамнинг ранги аста синикиб боради ва охири ўлади деб эътиқод қилинган.

Тангричиларнинг рух тўғрисидаги қарашларида яна «суне» деб аталган тушунча ҳам бор. Баъзи олимлар фикрича, суне икки хил бўлиб, яхши одамларда у жулқас (julqas), ёмон одамларда «суне» деб номланган. Бу рух ҳам, аслида, қутнинг ёрдамчи йўлдоши бўлиб, одам ўлганда танани ташлаб кетиб ва дафн этилгунча шу уйда юрар экан.

Инсон ўлгач танаси кўмилгандан кейин суне ўз холатини ўзгартиради ва «узут» деб номланади. Узут ўз танасига қайтмайдиган бўлгандан кейин ҳам маълум вақтларда ўз оиласига қайтиши мумкин ва шу сабабли тангричилик эътиқодида бўлган кўплаб халқларда маълум кунларда уларнинг руҳларига атаб қурбонликлар қилиб, ис чиқариш одати пайдо бўлган.

Тангричилар айнан узутдан жуда кўрқишади. Чунки узут агар зерикса, бирон-бир қариндошини ҳам ўзи билан у дунёга олиб кетиши мумкин. У тирик одамлар ичига кириши, тегажқлик қилиши ва касаллик

кўзғатиши мумкин. Тангричиларнинг етти, қирқ ва йил маросимлари ҳам айнан шу асосда шалқланган бўлиб, ҳозиргача сақланиб келган.

Тангричиларда дафнга оид удум ва маросимларнинг шуниси аҳамиятлики, унга ҳамма эътиборли муносабатда бўлади. Ҳамма марсия айтади. Ҳар бир маросимда шомоннинг дафлари, кўбиз ва чангқовузлар руҳлар учун хизмат қилади. Ҳеч ким ҳазил қилмайди. Ҳар бир кишида одатларни тўлиқ бажариш учун иштиёқ ва бурч ҳисси устун бўлади. Хотирлаш маросимларида эътиқод, диний дунёқараш ва маънавий сабаблар таомилларнинг руҳий психологик ва ижтимоий кадриятлар даражасида бажарилишини таъминлайди.

### Тошсанамлар

Қадимдан туркий халқлар тошсанамлар ёки бутларга сиғинишмаган дейишади. Аммо тангричилик тарихини ўрганиш шуни кўрсатадики, туркийлар ҳам тошсанамлар яшаган ва унга сиғинишган. Қипчоқ лаҳжасида бундай тошлар «Балбал тас» ёки «Кезер таш» деб аталади. Турклар эса «бабаташ», яъни «боботош» деб атайдилар. Туркийлар боботошларида кўпинча одамлар ва ҳайвонлар тасвири ёки тошбитиклар акс эттирилган. Бу тошларнинг пайдо бўлиши ва яратилишини ҳам тарихчилар бевосита тангричилик дини билан боғлаб, аёл тасвирланган тошларда Умай Она<sup>1</sup>, эркаклар тасвири туширилган тошларда Тангри акс эттирилганини таъкидлашади.

Бундай тошсанамлар яратиш ғояси аслида тангричиликдаги аждодлар руҳи ва арвоҳлар тўғрисидаги тасаввурлари ҳамда одамларнинг ўз аждодлари номини абадийлаштиришга бўлган истаклари туфайли

---

<sup>1</sup> Умай Она (Umay ene) – тангричиликда рўзғорга қут берувчи, фарзандлар ато қилувчи илоҳа.



шакланган. Қадимдан қипчоқ халқларида ўзларидан кейин бирон из қолдиришга бўлган иштиёқ кучли бўлган. Шу сабабли улар бирор тепаликнинг бўлса ҳам, ўз номи билан аталишини жуда хоҳлашган. Кенг чўлларда бу истакларни амалга оширишда оғир тошлар қўл келган. Имконини топганлар ўз оталари номини абадийлаштириш учун узок тоғлардан оғир тошларни келтириб, қабрлар устига ўрнатишган. Кўчманчи халқлар учун бу иш аجدодлар қабрини аниқ белгилаш заруратидан ҳам келиб чиққан.



*Балбалтошлар*

Кейинчалик, балбалтошлар ўрнатилган қабрлар илоҳийлаштирилиб, қабр эгасининг авлодлари учун муқаддас жойларга айланган. Авлодлар кейинчалик вафот этган қариндошларини шу ерга келтириб қўмишган ва бу ер оилавий қабристонга айлантирилган. Шу тариқа, аждодлар руҳи ва қабрларга сиғиниш одати шаклланиб борган.

Тошларнинг катталиги уруғнинг мавқеини билдириб турган. Хонлар, бийлар ва қаҳрамонлар учун жуда катта харсангтошлар ўрнатилган. Баъзи ҳолатларда тошлар устма-уст қўйилиб, эътиборни тортадиган ҳолатга келтирилган. Балбалтошлар будда ҳайкаллариغا мутлақо ўхшамайди. Чунки турк балбалтошлари жуда жўн ва содда ишланган. Моҳиятан тошлар аниқ бирор кишининг қабри, тарихий ёдгорлик ва аҳамиятга эга бўлган воқеаларни абадийлаштириш мақсадида ўрнатилган. Бироқ бугунги кунда бу ҳайкалларни буддага менгзаш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

## Бўри тотеми ёки Ашина афсонаси



Тангричилик динида бўри тотемига эътиқод муҳим ўрин тутди. Айтишларича, бир замонлар туркий қабилалардан бирини душман битта қолдирмай кириб ташлайди. Фақат улардан биттагина болани бўри олиб қочиб, омон сақлаб қолади ва шу боладан бўри ўнта ўғил туғади. Ҳар ўн уруғ шу болалардан тарқалган ва улардан биттаси Шуну бўлган. Шуну қадимги туркий тилда бўрини англатади. Ашина эса бўри авлоди маъносида қўлланилади. Ривоятларга кўра, илк туркий давлатнинг халқи Ашина деб номланган.

Бўри олтойликлар учун энг муқаддас ҳайвонлардан биридир. Улар бўрини Тангрининг элчиси сифатида билишади. Айтишларича, тунлари бўри увилласа, бу унинг Тангридан ризқ сўрагани экан. Шу сабабли агар кимнингдир қўйларига бўри ҳужум қилса, бу Тангрининг хоҳишига йўйилган.

Тангричилар бўридан ва унинг руҳидан жуда кўрқишади. Улар ўзлари бўридан кўрққанлари ҳолда уни эъзозлашади. Чайир ва ботир йигитлар бўрига ўхшатилади. Тангричиларнинг бўрига бўлган эътиқоди баъзан соғлом ақлга зид ҳолда бўлиб, ўзлари илоҳий санаган бу ҳайвонни бемалол ов қилишади. Бўрининг деярли ҳамма аъзоси улар учун тумор ҳисобланади. Бўри аъзосини тақиб юрган, териси ёки тўлиқ тулуми уйда сақлаган кишига омад келишига чин дилдан ишониб, тангридан қут-барақа кутиб яшайди. Шунингдек, туркий халқларнинг энг сеvimли ўйини – кўпқари

ҳам айнан «кўк бўри»га қилинган эҳсон ҳисобланиб, тўй қилаётган одамнинг кўпкари бериши «Кўк Бўри» руҳига атаб ўтказилган маросим ҳисобланган.

## 2. ИСЛОМ ДИНИ БИЛАН ҚИЁС

Шубҳасиз, ислом – улуғ дин. Аммо ҳамма мусулмонларда ҳам бир хил, соф исломий эътиқод шаклланган десак хато қиламиз. Форсий халқларда орийлик, зардуштийлик ва ислом синкретизми кузатилгани каби, туркийларда ҳам тангричилик ва ислом синкретизми кузатилади. Бунинг энг биринчи сабаби исломни қабул қилиш жараёнлари билан боғлиқ бўлиб, ўша даврда исломни қабул қилган Марказий Осиё халқларида, жумладан, мовароуннаҳрликларда ҳам эски эътиқодларидан воз кечиш қийин кечган.

Иккинчи сабаб Марказий Осиё тарихида чуқур из қолдирган мўғуллар истилоси билан боғлиқ. Маълумки, Чингизхон тангричилик динида бўлган ва юртимизда XII асрдан бошлаб то теурийлар давригача Ясоқ қонунларига амал қилинган. Ясоқ қонунлари амалда тангричилик дини ғоялари билан суғорилган эди. Шу сабаб, бир асрдан ортиқ давр мобайнида Мовароуннаҳрда қалбан Қуръон ва суннатга амал қилсалар-да, бир вақтнинг ўзида тангричиликнинг ясоқ қонунларига ҳам бўйсунушга мажбур бўлишган.

Учинчидан, Мовароуннаҳр халқларининг арғин, кипчоқ даштларида яшовчи халқлар билан доимий алоқада бўлиши ёхуд, умуман, номадологик<sup>1</sup> турмуш тарзи таъсиридан чиқиб кета олмаганлиги сабабли

---

<sup>1</sup> *Номадология* (юнон: *nomad* – кўчманчи) француз философи Делез ва психолог Гваттари томонидан қайд этилган концепция. Бугунги кунда айнан кўчманчилар тарихини бошқа маданиятлардан фарқлаб ўрганувчи йўналиш сифатида талкин қилинади.

миллий онгимизда тангричилик элементлари сақланиб қолаверган.

Агар Олтин Ўрда тарихига, айниқса, Тўхтаҳон даврига назар ташласак, бу ҳолат янада яққолроқ кўрилади. Тарихий манбаларга кўра, Олтин Ўрдада Тўхтаҳон ҳукмронлик қилган даврда сиёсий жиҳатдан ҳамма динларнинг мавқеи тенглаштирилади. Баъзилар икки дин орасида қоладилар. Тангри номи Аллоҳ номи билан уйғунлаша бошлайди. Ҳатто Тангрига сиғинувчиларнинг урф-одат ва маросимларини мусулмонлар ҳам ўтказа бошладилар. Айтиш мумкинки, шу давр ислом, насронийлик, буддавийлик ва тангрига сиғиниш элементлари энг кўп қоришиб кетган давр ҳисобланади. Аллоҳ номи билан «тангри» номи тенглаштирилади. Олтин Ўрда аҳолиси ўртасида қабрга сиғиниш, ота-оналар ва авлиёлар руҳларидан мадад сўраш, фол кўриш ва шомонлик маросимлари исломий қадрият сифатида қабул қилинади. Кўпчилик шомонлар ҳам ислом динини ўзлаштирадилар. Дафн маросимлари, етти, йигирма, қирқ, йил каби удумлар исломий қадриятлар сафига қўшилади.

Тўхтаҳон даври тугаб, ниҳоят 1312 йилда тахт тепасига Ўзбекхон келгач, Олтин Ўрдада ислом дини давлат мафкураси даражасига кўтарилади. Ислום шариатини қаттиқ ҳурмат қилган Ўзбекхон бошқа динларни хуш кўрмайди. Олтин Ўрдада ислом динининг ғояга айланиши мамлакат аҳолисини гуруҳларга бўлиб юборади. Бунда мусулмонларнинг энг ашаддий душмани бўлиб турк-мўғул шомонлиги вакиллари майдонга чиқишади. Улар асосан тангрига сиғиниш, шомонлик ритуаллари ҳисобига кун кечирувчи текинхўрлар бўлиб, даромадларидан ва жамиятдаги мавқеларидан айрилганлари учун қайғуришар, қандай бўлмасин халқни эски эътиқодда тутиб туришга уришишар эди. Бироқ Ўзбекхон ислом йўлида ҳеч қимни

аямай, барчани ислом ақидаларини тўлиқ бажаришга чакиради. Юрт эгалари – оқсоқоллар одамларни ислом динини қабул қилишга ёки қарши турмасликка ундайдилар. Нима бўлса ҳам тинчликни сақлаш мақсадида ислом ақидалари билан бирга ўз эътиқодларини ҳам яширинча бажаришга рухсат берадилар. Қатъий эътиқодда қолиб ислом динини қабул қилишни истамаган тангрига сиғинувчилар ва шомонлар юртни ташлаб шимолга кета бошлайдилар.

Ўзбекхон исломни қатъий ҳимоя қилибгина қолмай тез орада Олтин Ўрдада мадрасалар қурдиради. Аҳолини ўқитиш учун мударрисларни жалб қилади. Олтин Ўрда тарихида ёзилишича, бу даврда одамлар оммавий тарзда исломни қабул қилишган, бироқ жуда кам одамлар намоз ўқишган. Исломий маросимлар билан бирга бошқа динларнинг маросимлари ҳам яширинча бажарилаверган. Ислом фарзлари ва ақидалари билан барча этник қабилаларнинг одатлари ҳам сақланиб қолган. Олтин Ўрда мисолида келтирилган ушбу ҳолатга ўхшаш ҳолатлар Марказий Осиёнинг барча ҳудудларида кузатилади. Шундай экан, халқимиз исломни қабул қилган даврлардан буён сақланиб келаётган эски одатларимиз ва қадриятларимизни таҳлил қилишимиз, соф ислом таълимоти, арконлари, қоидалари билан қиёсан ўрганишимиз керак бўлади.

### **Қадрият сифатида сақланиб келаётган тангричилик дини маросимлари ва одатлари**

Бугунги кунда кўпгина туркийлар қатори ўзбек халқининг қадриятларида ҳам тангричилик динининг ўрни катта. Айниқса, диний ва миллий маросимларда бу ҳолат яққол кўринади:

- мархумлар учун чиқариладиган ис маросими;
- ўликни уч кун сақлаб кўмиш;

- халос-халос маросими;
- мархумни хотирлаб ўтказиладиган етти, қирк, йил маросимлари;
- қабрларга тош қалаш;
- мархумлар руҳидан мадад сўраш;
- бўри тотемига эътиқод, бўрининг аъзоларидан тумор сифатида фойдаланиш;
- уйларнинг остонасига от тақасини осиш;
- дарё, булоқлар бўйидаги дарахтларга ялов боғлаш;
- бирор шахс ёки руҳларга атаб жонлиқ сўйиш.

Бу урф-одатлар аллақачон Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан фатво билан исломдан эмаслиги кўрсатиб берилган. Аммо халқимиз бу одатларни диний қадрият сифатида бажариб келади. Шу хусусда тўхталиб, айрим қадриятларнинг этимологияси, мазмуни ва моҳиятига эътибор берсак, анча муаммолар ойдинлашади.

**Ис.** «Ис» асли соф туркий сўз бўлиб, маъноси ўз ҳолида «ҳид» маъносида тушунилади. Ис маросимлари тангричилик элементи ҳисобланиди. Ис асосан аждодлар хотирасига, ҳомий илоҳалар, касб илоҳалари, жойларнинг руҳлари номига атаб ўтказилади. Тангричилар исломлашган туркий халқлардан фарқли ўларок, ис чиқариш, деганда оддий зиёфат ёки эҳсонни тушунишмайди. Улар бу билан ўчоққа ёғ сепиб, ис чиқариш маросимини тушунишади. Ис чиқариш учун жонлиқ сўйилиши ёки гўштли таомлар тайёрланиши, ҳеч бўлмаганда, ёғли таомлар, кулча ва чалпак тайёрланиши шарт. Улар ўлганларнинг руҳлари шу атрофда кезиб юришига ва тириклардан умидвор бўлишига қатъий ишонч туфайли бу амалларни чин дилдан бажаришади. Аммо ўзбекларда бу амалларнинг айрим элементлари ҳамон, маълум даражада ўзгарган ҳолда бўлса-да,

сақланиб қолган. «Ис» ҳамон «бу – оддий эҳсон», «садақа ўрнида» каби баҳоналар билан хаспўшланиб ўтказилади.

**Шомонийлик.** Ўзбеклар неча асрлардан буён муслмон саналсалар-да ҳамон турмуш тарзида шомонлар ва уларнинг ритуаллари сақланиб қолган. Аввало, «шомонлик» сўзининг мазмунига қараймиз. «Шомонлик» сўзи туркий сўз эмас. Бу илмий атама сифатида эвенк тилидан кириб келган. Туркий тилда шомонни «қамчи», улар тутадиган қамчи эса аслида «қам» деб аталган. Чунки туркий тилда «-чи» – касб ясовчи кўшимча саналади ва, мазмунан, қамчи тутган одам маъносини беради.

Қамчи билан даф уриб, жин чиқараман, дам соламан деб юрганлар, жазаватла тушиб экстаз ҳолатида руҳлар билан алоқа қиладиганлар ҳам, аслида, тангричилик дини элементларини сақлаб келаётган қамчилар ҳисобланади. Бугун ҳамма жойларда шомонларнинг амалларни бажарувчи эркак ва аёл қоҳинлар бор. Шомон-бахшиларнинг экстаз ҳолатига тушиши, ўчоққомой сепиб, ёки пахтани тутатиб тутатқилар қилиши, хомий руҳларидан мадад сўраши ва шу орқали касалларни даволаши, ўликлар билан муолажалар ўтказиши исломни қабул қилмаган тангричиларнинг амаллари билан деярли бир хил. Фақат исломни қабул қилмаган халқларда шомонлар қам деб аталсалар, исломлашган халқларда бахши, парихон, қушнот каби номлар билан аталади. Баъзи ҳолатларда намоз ўқийдиган ва Қуръон



Ўқишни ўзлаштирган шомон аёлларда ўзларини «отинойи», «бувиотин» деб номлаб олиш ҳолатлари ҳам учрайди. Шунингдек, эркак шомонларни арабча табиб атамасининг бузилган шакли «тауб» деб аташ ҳолатлари ҳам кузатилган.

**Қабрларни тавоф қилиш, ялов боғлаш.** Агар ҳозирги кунда муқаддас қадамжоларга ёки қабристонларга борсангиз, кириш жойида ва мақбаралар ёнида зиёрат қилиш одоблари ёзилган пештахтага кўзингиз тушади. Нимага? Нега мусулмонлар идорасининг ташаббуси билан бундай пештахталар осиб қўйилган? Чунки ҳамон халқимиз қабристонларга айнан тангричилик эътиқоди билан келади ва зиёратни қабрни айланиб тавоф қилишдан бошлайди. Қабрлар, қабрлар ёнида ўсган дарахтларга ялов боғлашади. Овоз чиқариб, йўқлаб йиғлайди. Ўлганларнинг руҳларидан мадад сўрайди.

**Муқаддаслаштирилган шахслар номига қурбонликлар қилиш.** Тангричилик динида жой эгалари: «уй эгаси», «сув эгаси», «тоғ эгаси» каби илоҳалар мавжуд. Шунингдек, темирчилик, деҳқончилик, чорвачилик каби касбларнинг ҳам ҳомий илоҳалари бор. Темирчилар Тангрихон ўғли Темир – Музегга, чорвадорлар Чўпон отага ис чиқаради. Ҳозир халқимиз орасида эса Ҳазрати Довудга – темирчилар пири, Зангибобо – чорвадорлар пири деган эътиқод билан қурбонлик қилиш ёки ис чиқариш одати сақланган.

Шундай экан, тангричилик дини бизга кириб келяпти десак тўғри бўлмас. Аммо тангричилик динини бизни тарк этмаган ва у турмуш тарзимизда сақланиб қолган десак тўғрироқ бўлади.

**Бўри тотемига эътиқод.** Ўзбек халқида ҳам ҳамон бўри тотемига эътиқод сақланиб қолган. Ўзбек оилаларида бўри тулумини бойлик келтиради, деб



сақлаш, бўрининг аъзоларини тумор ўрнида тақиш ёки чорвасига бўрини оралатиб, «энди уйимга ва молимга барака киради», деган эътиқодда бўлиш жоҳилият белгиси саналади. Афсуски, бундай одатлар халқимиз орасида сақланиб қолган. Ота-оналар томонидан ўғил болаларга Бўри, қизларга Бўригул<sup>1</sup> исмини қўйиш ҳам қайсидир маънода фарзандларининг бўрига ўхшаши-ни хоҳлаб қўйилган. Кўчаларда ва бозорларнинг чет жойларида хуфя сотилаётган бўрининг тиши, тирноғи ёки бошқа аъзоларини одамлар нимага сотиб олаётганини биласизми? Аслида, бўрининг аъзолари ҳеч қандай омад келтирмайди. На моддий, на маънавий эҳтиёжни қондиради. Фойда ҳам бермайди. Аммо бу одатлар асрлардан бери давом этиб келаётган тангричилик дини таъсирида одамлар онгига сингиб кетган. Шу сабабли ундан воз кечиш қийин кечади.

### **Тангричиликка оид сўзларнинг лингвистик таҳлили**

Синкретизм фақат маданият унсурларида эмас, балки тилимиздаги баъзи атама ва сўзларда ҳам кузатилади. Бугунги ўзбек тилидаги сўзлар ва ибораларнинг лингвистик таҳлили шунини кўрсатадики, ўзбек тили ўз тарихий шаклланиш даврида турли қардош тиллардан интеграциялашган сўзлар ҳисобига бойиб, бу сўзлар тил таркибига кириши билан унғача амалда бўлган сўзлар билан синонимлашиб борган. Бу ҳолат олдин тангричилик динида бўлган ва кейин ислом динини қабул қилиб, таълимий тартибда араб тилини ўзлаштирган ўзбек тили мисолида ҳам яққол кўринади. Айниқса, кўплаб диний сўзлар, иборалар, топонимлар, теонимлар, маросимлар номларининг уйғунлашуви бу

---

<sup>1</sup> Бундай исмлар чақалоқлар тиш билан туғилганда қўйилади.

борадаги диний ва лингвистик синкретизмнинг юзага келганини кўрсатади.

Ўзбек тилида *Аллоҳ, Худо, Тангри, Эга(м)* каби сўзлар деярли бир хил мазмунда ишлатилади. Аммо эътибор берилса, Аллоҳ араб тилидан, Худо форс тилидан ўзлашган. Тангри Аллоҳ маъносида, Эгам эса Худо маъносида қўлланиб келинган. Синкретизм шу теонимлар ўзагидан олинган исмларда ҳам кўзга ташланади: *Аллоҳберди, Худойберди, Тангриберди* шаклида.

Шунингдек, қўйидаги жадвалда исломий талқиндаги арабча «барака», «ризқ» ва тангричилик дини талқинидаги туркча «қут» ва «ыриски» сўзларининг синкретистик қўлланилиши келтирилган:

Арабча сўзлар	Тангричиликка оид сўзлар	Синкретистик қўлланилиши
<p>«<b>Барака</b>» арабча сўз бўлиб, луғатда «моддий, маънавий жиҳатдан ортиш, зиёда бўлиш», «ризқнинг кўпайиши» ёки «ақлий ўсиш-улғайиш», «ривожланиш» маъноларида қўлланилади. Дуоларда Аллоҳдан барака сўралади.</p>	<p>«<b>Қут</b>» туркий сўз бўлиб, «Тангрининг руҳи», «Улкан ёки Ерликнинг моддий ёки руҳий мадади», «илоҳий мадад билан бойиш», «кўпайиш», «равнақ топиш» маъносида қўлланилади.  <i>Хут кирди – қут кирди</i> (мақол).  <i>Биз сизни қутлаймиз!</i>  <i>Фалончи қўрққанидан қути ўчиб кетибди.</i></p>	<p>Бугунги ўзбек тилида «қут-барака» шаклида ишлатилади ва жуфт сўз саналади. Мазмунан бир хил қабул қилинади.</p>
<p>«<b>Ризқ</b>» арабча сўз бўлиб, Раззоқ, яъни ризқ берувчи Аллоҳ томонидан ҳар бир махлуқотга бериладиган ҳам моддий, ҳам маънавий бойликлар тушунилади.  <i>«Ҳеч бир нафс ўз ризқини тўлиқ олмагунча ўлмас»</i> (ҳадис).</p>	<p>«<b>Ырисқи</b>» туркча сўз бўлиб, Тангри томонидан инсонлар ва хайвонларга бериладиган неъматлардир. Исломий ризқдан фарқи – инсон ўз «ырисқи»сини тўла ололмай ўлиши ҳам мумкин.  <i>«Отлиқнинг «ырисқи»си олтов, олтиси ҳам нақд, пийёданнинг «ырисқи»си битта, у ҳам насия»</i> (мақол).</p>	<p>Ўзбек адабий тилида фақат «<b>ризқ</b>» ишлатилади. «<b>Ырисқи</b>» асосан кипчоқ шеvasида сўзлашувчи ўзбекларда қўлланилади.</p>

Шу ўринда «одат» сўзининг ўзбек тилида қўлланилиши ва мазмунига эътибор қаратиш ҳам эътиборга моликдир. Маълумки ислом динида ҳуқуқ илми – фикх, ҳуқуқ тизими эса – шариат деб аталади. Аммо халқимиз шариат белгилаб берган қоидалардан ташқари бошқа ўрганиш бўлиб қолган «одат» деб аталган қоидаларга ҳам амал қилишади. Одатлар ижобий характердаги бўлса яхши, аммо салбий характердаги одатлардан ҳам воз кечилмайди. Ҳуқуқшунослик фанида одатлар, яъни расмийлаштирилмаган тартиб-қоидалар мажмуи «одат ҳуқуқи» деб номланади. Одат ҳуқуқига расмий тарзда «жамиятда узоқ вақт амал қилинавериб, унинг аъзолари учун ўрганиш бўлиб кетган ва давлат томонидан рухсат этилган, лекин қонунлаштирилмаган тартиб-қоидалар (одатлар) мажмуи» дея таъриф берилади. Аслида эса, «одат» тушунчаси остида исломгача бўлган даврда шаклланган, аммо жамиятда сақланиб қолган тартиб-қоидалар мажмуи тушунилади. Бу тушунча таркибига эса барча қадриятлар қаторида диний тартиб-қоидалар, урф-одатлар ҳам киради.

## **ТАНГРИЧИЛИК – МАЪНАВИЯТГА ТАҲДИД СИФАТИДА**

Кейинги йилларда Қозоғистон Республикасида айнан жамоатчиликнинг ва ҳуқуматнинг беъэтиборлиги ва лоқайдлиги сабаб, тангричилик динига эътиқод қилаётганлар сони кескин кўпайиб кетди. Уларнинг сафига кўшилаётганлар орасида давлат арбоблари, академиклар, файласуфлар, ёзувчилар, шоирлар, киношунослар бор.

Қозоғистонлик тангричилар қозоқ халқининг исломни қабул қилиши тарихий хато бўлган, дея иддао қилишмоқда. Таниқли шоир Ўлжас Сулаймонов ҳам

Ўз вақтида бунга жавобан, қозоқ халқининг ислом динини қабул қилиши тарихан хато бўлмаганлиги, балки тўғри бўлганини таъкидлаб, тангричиликни қайта тиклаш эса жамиятни парчалаб юбориши мумкинлигидан огоҳлантириб, мақола эълон қилган эди. Қозоғистон мусулмонлари идораси ва ислом динини маҳкам тутган аҳоли ҳам тангричиларга раддиялар бериб келмоқда. Аммо шундай бўлса-да, қозоқ тангричилари сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Уларнинг энг катта қуроли «арабларнинг дини қозоқлар учун қийинлик қилади, шунинг учун ўз динимизга қайтайлик» деган ақидада туришаётганидир. Бу, аслида, ислом арконларини бажаришга тоқати етмаётганларнинг оддий баҳонасидир. Аммо шу сўзлар кейинги йилларда тангричиларнинг одамларга таъсир ўтказувчи «тумор»ига айланиб қолди. Чунки улар бу сўз билан инсонларга масъулият юкламаяпти. Аксинча, намоз ўқиш, рўза тутиш, закот бериш, ҳажга бориш каби амалларни бажаришдан воз кечишга чақиришяпти.

Қирғизистон Республикасида ҳам Турар Қойчубеков, Илгиз Айтматов, Абдығани Эркебаев, Миталип Мамытов каби академиклар, халқ оқини Омора Султанова, халқ артисти Қайыргүль Сартбаева, «Манас ордо» жамияти раиси Анарбека Усупбаева каби таниқли инсонлар тангричиликни қайта тиклаш учун фаол ҳаракат қилмоқда. Аммо Қозоғистон жамоатчилигидан фарқли ўлароқ, Қирғизистон раҳабарияти ва мусулмонлари тангричиларни «тангричи муртадлар» атаб, уларга қатъий қаршилик қилиб келмоқда. Шу сабаб тангричиларнинг ҳукуматдан динларини рўйхатдан ўтказиш талаби ҳам қондирилмади.

Ўзбекистонда эса ҳозирча тангричиларнинг ошқор ҳаракатлари сезилмади. Аммо бу хавф бутунлай йўқ

дегани эмас. Аксинча, хавф жуда катта. Қозоғистонда кузатилгани каби ўзбеклар орасида ҳам намоз ўқишга тоқати етмаётганлар миллионларни ташкил қилади. Бугунги кунда ўзбек тангричилари Интернет нашрлари ва ижтимоий тармоқларда кенг фаолият олиб бормоқда. Бир қарашда уларнинг тарғибот ишлари жўндек туюлади, аммо фаолиятини мунтазам кузатиб борсангиз, тизимли тарғибот йўлга қўйилганини кўрасиз. Улар ўз саҳифалари ва гуруҳлари саҳифасида тангричилик динига оид материалларни тарқатишади. Одамларни ўзлари ўтказган конференция, семинар материаллари, илмий мақолалар билан танишишга ундашади.

Ўзбекистонда ҳозир асосан икки хил тоифадаги тангричиликни тарғиб қилувчилар учрайди. **Биринчи** тоифадагилар исломий исми шарифга эга бўлсаларда, ислом арконларини бажариб кўрмаган ва тангричилар таъсирига тушиб, тангричилик динини ота-боболаридан қолган дин сифатида кўр-кўрона тарғиб қилаётганлардан иборат. Уларнинг кўпчилиги учун ислом арконларини бажариш, яъни намоз ўқиш, рўза тутиш, закот бериш каби амаллар қийин туюлади. Шу сабабли улар ҳеч қандай мажбурият юкламайдиган ва ўзбек тилида ибодатларини бемалол бажарса бўладиган динни афзал билмоқдалар.

**Иккинчи** тоифадагилар эса, аввалдан туркий халқларни бирлаштириш ниятидаги пантуркистлар бўлиб, улар тангричилик динини умумтуркий дин сифатида талқин қилиб, шу дин остида бирлашишни тарғиб қилмоқда. Улар ижтимоий тармоқларда доимий равишда тарихда из қолдирган туркий саркардалар: Ўғузхон, Атилла, Алп Тегин, Чингизхон, Усмонли турклари, салжуқийлар, қорахонийлар, Маҳмуд Ғазнавий, Амир Темур, Бобур, Шайбонийлар тарихини

кўпроқ умумтурк назари билан ўрганишга ва уларнинг номини туркий талқинда абадийлаштиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Албатта уларнинг ғояларига қарши чиқаётганлар кўпчилиқни ташкил қилади. Аммо афсуски, уларнинг фикрларига хайрихоҳлик билдираётганлар ҳам кам эмас. Шундай экан, ўзбек зиёлилари, маънавият тарғиботчилари, диншунослар, тарихчилар ва, айниқса, дин уламолари бу борада лоқайдликка йўл қўймаслиги керак.

## ХУЛОСА

Бугунги кунда огоҳлик давр талабига айланган. Яқин ўтган кунларда насроний миссионерларининг найранги сабаб, халқимиз улкан мусибатларга дучор бўлганини ҳамон унутганимиз йўқ. Қанчадан-қанча юртдошларимиз, миллатдошларимиз айнан маънавият учун масъул шахсларнинг лоқайдлиги сабаб ўз динини қўйиб, насронийликни қабул қилиб, «муртад» деган ном олишди. Юртимизда қанча ёшлар ақидавий билимлари йўқлиги сабаб, зарарли оқимлар таъсирига тушиб, аянчли жинойтларга қўл уришди. Мазҳабсизлар таъсирига тушиб, мазҳабдан воз кечишди ёки бошқа мазҳабларга ўтиб кетишди.

Юқорида таъкидланганидек, бугунги кунда тангричиликни тарғиб қилаётганлар оддий одамлар эмас. Балки, кўпроқ олимлар ва зиёлилардан ташкил топган. Тангричилик бугунги кунда фаол тарзда Россия таркибига кирувчи туркий республикалар маданият вазирликлари томонидан кенг тарғиб қилинмоқда. Бу тарғиботлар этнологик ва номадологик кўринишда кўпроқ туркология, маданиятшунослик соҳаларида олиб борилади. Аммо улар томонидан ташкил этилаётган халқаро семинарларда иштирокчиларга танг-

ричилик дини ҳақида ҳам маълумотлар тарқатилади. Табиийки, бу жарёнлар энди тўхтамайди ва Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Жамият барқарорлигига зарар келтирадиган ҳар қандай ғоя хатарлидир. Тангричилик сабаб, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикаларида бир оила вакилларининг икки динга амал қилиши ҳолати кўпайди. Отаси ислом динида, ўғли эса исломни тарк этиб тангричиликка кирган. Бундай оилалардаги маънавий муҳитни тасаввур қилиш қийин эмас. Шундай экан, тангричилик динининг халқимиз орасида ёйилишига ҳам бефарқ бўлмаслигимиз керак. Қолаверса, ҳамма ҳам Аллоҳ томонидан бизга берилган ислом неъматининг асл саодат эканини англайвермайди. Шу сабаб жамиятимизда кенг ёйилиш арафасида турган ва одамлар орасига нифоқ солиши мумкин бўлган тангричилик динига панжа ортидан қарамаслигимиз керак. Аксинча, бу динни жамиятимиз учун хавф сифатида қабул қилишимиз, хавфнинг олдини олиш чораларини кўришимиз лозим.



## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
<b>1. Тангричилик дини ҳақида умумий маълумотлар .....</b>	<b>5</b>
Тангричилик тимсоллари .....	9
Шомонийлик .....	11
Тангричиликда ибодат шакллари .....	14
Дафн маросимлари .....	16
Мархумни хотирлаш маросимлари .....	20
Тошсанамлар .....	24
Бўри тотеми ёки Ашина афсонаси .....	26
<b>2. Ислом дини билан қиёс .....</b>	<b>27</b>
Қадрият сифатида сақланиб келаётган тангричилик дини маросимлари ва одатлари .....	29
Тангричиликка оид сўзларнинг лингвистик таҳлили.....	33
<b>3. Тангричилик дини – маънавиятга таҳдид сифатида .....</b>	<b>35</b>
Хулоса .....	38



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

**АНВАР БЎРОНОВ**

### **ТАНГРИЧИЛИК МАЪНАВИЯТГА ТАҲДИД СИФАТИДА**

*Тошкент «Маънавият» 2019*

Мухаррир *С. Холбеков*

Мусаввир *С. Шухрат*

Мусахҳих *Ф. Аҳмедова*

Компьютерда тайёрловчи *Ш. Соҳибов*

Лицензия АИ №189, 10.05.2011 йилда берилган.

Босишга 17.05.2019 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 <sup>1/32</sup>.

Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 2,10.  
Нашр т. 1,84. 2000 нусха. Буюртма № 19-22. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди.

100047. Тошкент, Тараққиёт 2-берккўча, 2-уй. Шартнома № 11-19.